

Шу йилнинг 18 октябры куни баъбатдаги юк кемаси «Прогресс» фазога йул олади ва «Мир»нинг эриб-қолган қисмига қўшилиб, Кейин эса, марбодо станциядан фойдаланиш учун маблаг топилибса, Россиянинг фазовий юк кемаларидан «Звезда» биринчи бўлиб олади. Станцияни шакка олганчига Тинч ёки Ҳинд океанларининг одам яшамайдиган ҳудудлари устида Ер томон йуналиштири юбю-қилиб, унинг қўлига қўйиб у киуби, йук бўлиб кетади... Алқисса, бош устидаги осмонга ҳаёдо ваҳима йила қараётгирш учун ҳеч қандай аҳамият йук.

Юкнинг «Прогресс»


Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган «Темурийлар тарихи Давлат музейи»нинг очилганига тўрт йил бўлди

МАЪНАВИЯТ ДАҲОЛАРИГА ТАЪЗИМ

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг қарорларига асосан маънавиятимизни бойитишга катта ҳисса қўшган буюк алломалар — Абу Мансур ал-Матуридий таваллудининг 1130 йиллиги ва Бурхониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги мамлакатимизнинг қишлоқ ва шаҳарларида кенг нишонланмоқда.

Шу кунларда ҳурматли Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан очилган «Темурийлар тарихи Давлат музейи»нинг очилганига тўрт йиллиги тантана қилинган. Бир вақтда музей залларида «Маънавиятимиз даҳоларига таъзим» номи курашма очилди.

Курашмага имом Абу Мансур ал-Матуридийнинг асарларидан «араб наставлик» ёзувида XIV асрда



кучирилган «Тағвилот ахл-ас-сунна», «форс наставлик» ёзувида XIX асрда кучирилган «Иршод ал-мубтадийин» ҳамда «араб наставлик» ёзувида 1258 йилда кучирилган «Таъвилот ахл-ас-сунна» асарларига ёзилган шарҳлар қўйилган. Шунингдек, улуг аллома, фикр илмининг султони Бурхониддин ал-Марғинонийнинг машҳур асари — арабчада 1335 йилда

кучирилган «Хидоя» нусхаси ва «Хидоя» асарига ёзилган шарҳлар ва икки улуг алломалар ҳақида ёзилган илмий асарлар, ҳаёти ҳамда ижоди ҳақидаги маълумотлар, ёзма манбалар курашмадан урин олган. Бундан ташқари алломалар яшаган даврдаги IX-XII асрларга оид мис ва сопол идишлар ва зарб этилган уша давр тангалари ҳам қўйилган. Музейнинг

курашма заллари зиёратчилар билан гавжум. Курашмани ташкил этишда музейнинг жамғарма бўлими ходимлари жонбозлик кўрсатдилар.

Муҳаммадjon Урмонов, «Темурийлар тарихи Давлат музейи» катта илмий ходими, тарихчи олим.

• Қутлов

АДОЛАТЛИ ИНСОН

Адлия, суд соҳасида 41 йил ишлаган Миратҳам Мирзуфаровни кўпчилик шундай дейишмоқда

Узининг 70 йилини қаршилаган Миратҳам Мирзуфаровнинг уйига таниш-билишлари, ошна-оғайнилари, қариндош-уруғлари, шогирдлари ташриф буюриб, муборак таваллуд айёми билан чин дилдан қутлашмоқда. Бундай обрў-эътиборга Миратҳам ака ҳалол меҳнати, адолат ва ҳақиқат учун курашиб яшаб, уни юзага чиқаришга чин дилдан хизмат қилгани боис эришган. Айтишга осон. Аммо шу 70 ёшнинг 41

йили ичида у қанчадан-қанча ҳақиқат ва адолат учун ташна қалбларнинг дил ярасига малҳам бўлди. Суднинг адолатли қарори билан уларнинг паймол бўлган ҳақ-ҳуқуқларини тиклади ёки оқиб-оққа, қорани қорага ажрати берди. Ушундай ажойиб меҳнатлари учун бугун ундан ҳамма миннатдор.

Миратҳам ака айна пайтда кексалик гаштини суриб, турмуш урғоги Ойниса опа билан бахтли ҳаёт кечирмоқда. Улар оқ ювиб, оқ тараб воёга ётказган уч

уғли олий маълумотли мутахассис бўлиб, эндиликда турли соҳаларда эл-юртга сиққидилдан хизмат қилишмоқда. Ун нафар навараси эса отахон, онахоннинг нигоҳида камол топиб, воёга етишмоқда. Шундай бахтли онларга етишганига, қатор навараларнинг бобоюси, момоси бўлишганига Миратҳам ака билан Ойниса опа доимо шукроналар айлашади. Зеро, инсон ҳаётининг маъносини ҳам, тирикликнинг гашти ҳам шунда.

Бизнинг энг фаол жамоат-



чи муҳбиримиз булган Миратҳам Мирзуфаровни биз ҳам муборак 70 ёши билан чин дилдан қутлаб, умрингиз бундан ҳам зиёда бўлсин, — дея салимий тилакларимизни ихор айлаймиз.

«Адолат» газетаси иходий жамоаси.

Пойтахт қурилишларида

ЯНА БИР КЎПРИК

Ўзбекистон йуллари... Уларнинг қандайлигини кекса ва урта авлод вакиллари яхши билишади. Тор кучалар, машина утса одам юролмайдиган

шолармикин. Битта хонадон бузулгудек бўлса, у ердан унта оилага жой берилиши керак», дейишарди. Шу туфайли бўлса керак, яқин вақтгача Тошкентдек


лардаги катта бунёдкорлик ишлари қатори пойтахтимизда ҳам буюк ўзгаришлар руй берди. Ҳозир Эски Жува орқали Форобий, Соғбон, Қорасарой

нинг узи бўлмайди. Газетхонларда йул очиб, кўприк қураётган фидоий инсонлар кимлар экан, деган савол туғилиши табиий. Биз эса уларни таништиришни лозим деб топдик.

Танишинг бу бунёдкорлар «Тошйўлқурилиш» трести жамоасидир. 1994 йилда ташкил топган трест бунёдкорлари қисқа муддатда пойтахтимизда катта ҳажмдаги ишларни бажардилар. Масалан, Халқлар дустлиги — Юнусобод, Қатортол — Гавҳар кўчалари йўналишидаги йирик кўприклар, катта-катта йўл қурилишлари уларнинг гайрат-шижоати билан бунёд этилган. Айна кунларда йўлсозлар Қатортол-Гавҳар кўчалари йўналишидаги кўприкни эрта-индин ишга тушириш учун фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Карим РИХСИЕВ. СУРАТЛАРДА: 1. «Тошйўлқурилиш» трести бошлиғи Рихсибой Каримов, бош муҳандис Равшан Гаўрибоев ва бошлиқ ўринбосари Анвар Тошхўжаев. 2. Кўприкнинг умумий кўриниши.

Эркин БОТИРОВ олган суратлар.




жойлар кўпчилигининг ёдида. Масалан, Чигатой, Соғбон, Қорасарой кўчаларини олайлик. Бу йўлларни таъмирлаш, кенгайтиришга унча-бунча раҳбарнинг юраги анча йиллардан бери бетламай келган. Айримларнинг гаплари ҳамон эсимда: «Бу жойларни бузиб бўлармиди. Бу ишга юраги бетлаганлар харажатига тоб бери-

шахри асимда йўл қурилишига собиқ иттифоқ даврида унча эътибор берилмади. Бунинг боиси ҳар бир иш учун «марказ»дан рухсат олиниши лозим эди.

Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, истиқлол туфайли ўз эркимиз ўз қўлимизга ўтди. Бирор эзгу ишни бошласак, «юқори»дан рухсат олмайди деган бўлди. Натижада кейинги йилларда вилоят-

кўчаларидан утган одамнинг кунли яйрайди. Равон йўллар ҳаммамизга ҳузур бахш этмоқда. Узоғимиз яқин бўлаётир. Кўприкларни айтмай-сизми! Хадрадан Юнусободгача булган кўприк орқали утган киши бу ишларни қилганларга «отанга раҳмат» деб юбориши аниқ. Ахир ўзингиз уйлаб кўринг, бизга шундай қулайликларни яратиб бериш-



Нуктаи назар

МИЛЛИЙ САНЪАТНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД БЎЛСИН

Ўзбек ёшларининг чет эл ҳаётига, санъатига қизиқиши табиий. Лекин янги қилиб келатган баъзи бадий гуруҳларнинг миллий мусиқамизни, миллий қадриятларимизни назарписанд қилмай, чет эл эстрадасига тақлид қилишига нима деб бўлади? Наҳотки, улар ўз миллий санъатимизни ривожлантириб, юксак чўққиларга чиқариш тўғрисида уйла-майдилар. Бақириб-чақириб, жазавага тушиб, миллий маданиятга хос бўлмаган қилиқларни қилиб, рақсга тушишларини нима деб баҳолаш мумкин?

Мазмунини тушуниб бўлмайдиган бу турдаги санъат айрим ёшлар қалбига кириб олди. «Ал Вақил», «Сетора», «Болалар» сингари гуруҳлар пайдо бўлди. Улар ижро этаятган қўшиқлар мусиқаси чет элники бўлса, сузалари маззақатрасиз, бутулай тугурқсизлар. Бир оз фаҳм-фаросати бор киши бунга англаб олади.

Еш ихрочи! Ўзингни англа, сенинг бу қилиқларинг ўзингизга турти келадими? Ота-боболаримиз бетайин вайсовчи, қуруқ бақирок қишлар билан сузлашсин, бир жойда бираг утиришини ҳам лозим қўйманган. Лекин ўсиб келатган ёшлар-чи?

Ёшлар ота-боболаримиз панд-насихатларига амал қилиб, миллий урф-одатларимиз, шарқона ахлоқ-одоб талаблари доирасида воёга етсаларгина, жаҳонда ўз овозлари билан кузга қуринадилар. Рағба қилинган кур-журона тақлид ҳеч қачон ўзини оқламайди. Бундай тақлифни Оврӯпода янгилик ўки узиға хослик деб қабул қилмайдилар. Демак, чет эл клипларидан уртак олиб қучирма қилиш ўзбек санъаткорларига мутлақо ярашмайди! Жаҳонни лол қолдиради-



Қойилмақом қиздирман, бўлай сизга фидо ман.

Қўриқчилар бўлмаса, уйга қандай кетоман.

• Ҳажв

ШОИР ЖЎҚИНИНГ ШОГИРДИ

Тахририят барча учун эшиги ланг очик даргоҳ. Ўзини «шоҳ» ҳам, «гадо» ҳисобловчи ҳам вақт-бевақт таширғи бурюверадди. Улар орзу муаммосини тинглашни бизга чиқарган.

Яқинда носковокдек бурни учига кузойнак қўндирган, савлатидан от хуркадиган бир аяхон билан мулоқот қилишга тўғри келди. Анчадан буюн назм оламида жавлон ураркан. Бугун вақт-имкон топиб, тахририятимизга келипти. Мақсади газета орқали чиқиш қилиб, кенг жамоатчиликка бир танилиб қўйиш экан.

Қораламаларини ўқидик. Шерият «алифбоси» қофия, тўроқларга нисбатан риоя қилса-да мазмун ифодаси одамни уйлантириб қўяди.

Ярим ҳазил, ярим чин оҳангда: — Жўқийга яқинлигингиз йўқми? — деб сурадик.

Эшитганим бор, телевизорда чиқиб туради. Насиб, бир қуришиб «оқ йўл» олиш ниятим ҳам йўқ эмас, — деди жиддий.

Қарасак, ортиқча «сичқон-мушук» уйинидан маъно йўқ. Шерларини камчилигини айтиб, қўлига қайтариб бергандик, хафа бўлди.

— Уша, шоир Жўқийга курсатиб «зур шер» газетдада чоп этилса бўлади, деган қоғозча олиб келсам уялиб қолмайсизларми, — деса буладими.

— Майли, ҳаракат қилиб кўринг, бир гап булар, — дедик мурсасага бориб.

Аяхонимиз бир даста қорамаларини яна тария папкага солиб «хайр-хуш»ни насия қилиб кетдилар.

Эътибор қилмаган эканмиз, столимиз устида шоир Жўқийнинг сирдарёлик шогирди қаламига мансуб икки-уч қораламаси қўлиб кетибди. Қўйди ана шуларни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

Хўти катта бўлса эшак бўлади, Кўчук кутирса-чи бешак ўлади. Машина бакини қирқ литр дейди.

Меники элликка аранг тўлади.

«Браво» дедим, қўшнимизнинг ола-чипор товуғига, Тухум берар парво қилмай қишининг қора совуғига. Парваришлар унта жўжа хўроз билан иши йўқ, На бир араз, на бир гараз, сўзларининг ниши йўқ. Ношуккурроқ хотинлар бор бир болага алимент деб, Келиштириб тепар эмиш қочқоқ эрнинг қовуғига.

Балиқнинг қушандаси, Қармоқдаги қуваланг, Маъшуқасин илбик кетар, Ошиқ бўлса уятчанг.

Раҳматулла ИСЛОМОВ.

• Футбол: Осиё Кубоги

ВАКИЛЛАРИМИЗ БЎШ КЕЛИШМАЙДИ

12-29 октябрь кунлари Ливанда ўтказилганда футбол бўйича 12-Осиё Кубоги ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси ўз гуруҳида Япония, Саудия Арабистони ва Катар мамлакатларининг чарм тўп усталарига қарши майдонга тушди.

Ўзбекистон терма жамоаси гўяда масъулиятли синовдан ўтади. Осиё Кубоги финал босқичига йўлланма олган 12 жамоа учта гуруҳга бўлиниб, голиблик учун баҳс юритмоқдалар. Мутахассислар эътирофига, «С» гуруҳи, яъни вакилларимиз тўп сураётган жамоалар баҳси ута кескин кечиши билан бошқа гуруҳлардан ажралиб туради. Чўки ушбу гуруҳда кучсиз жамоанинг ўзи йўқ, — деди Ўзбекистон Футбол федерацияси бош котиби уринбосари Виктор Тихонов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — ФИФА низомига қура, узга мамлакат клублари таркибиде шартнома асосида тўп сураётган футболчи ўз терма жамоасининг еттигагача синон уйлариға қақирлиши мумкин.

Афсуски, булажак масъулиятли мусобақа олдидан Россия ва Украина мамлакатлари футбол жамоаларида уйнаётган етакчи футболчиларимиз иштирокида уч марта курик вазифасини ўтовчи ўртоқлик учрашувлари ташкил қила олди. Россиянинг

Украина чемпионати тақвимиға тўғри келиб қолгани боис, уларни жалб қилиш иложи бўлмади. Шундай бўлса-да, терма жамоа бош мураббийси Юрий Саркисян қисқа фурсат утказилган учта ўйинда 22 нафардан иборат асосий таркибни аниқлаб

қолишмайди. Қатарликлар Осиё Кубогиға жиддий тайёргарлик қуришган. Улар бир ярим ой давомида 13 марта ўртоқлик учрашувлари утказишди. Ушбу ўртоқлик учрашувлари қўлингиз аксарияти Европа қитъасида, яъни Англия, Франция ва Германия мамлакатларининг етакчи клублари билан ўтган.

Вакилларимиз ҳам анойи эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Таркибиде М. Шацких, М. Қосимов, А. Аюпов, П. Буғало, Ф. Давлетов, С. Лушан каби Европа футбол тахрибасини ўрганган спортчиларимиз ишил майдонга тушадилар.

Осиё Кубоги учун дастлабки учрашувини 12 октябрь кун «А» гуруҳидаги жамоалар бошлаб беришади. Ливан пойтахти Байрутдаги уйингоҳда Ироқ — Таиландга, Ливан — Эронга қарши майдонга тушади. Терма жамоамиз эса дастлабки ўйинни 14 октябрь кун Катар жамоасига қарши ўтказадди. Навбатдаги ўйинлар 17 октябрь кун Япония ҳамда 20 октябрда Саудия Арабистони спортчилари билан бўлиб ўтади.



ЦСКА, Фарғонанинг «Нефтичи» ва Туркменистон терма жамоалари билан ўштирилган учрашувлар шулар жумласидандир. Хитой, Жанубий Корея ва Германия мамлакатларидаги тайергарлик машғулотлари Россия ва

олди. Рақибларимиз хусусида тўхталсам, Япония бир неча бор жаҳон чемпионатининг финал босқичи иштирокчиси, қитъамизнинг етакчи терма жамоасидан бири ҳисобланади. Саудия Арабистони бор борада японлардан

